

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
НУКУС ФИЛИАЛИ**

РЕИМОВ НИЕТБАЙ БАЙНАЗАРОВИЧ

**ОРОЛ БЎЙИ ТУПРОҚЛАРИ УНУМДОРЛИГИ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Қорақалпоғистон Республикаси шароитида)

06.01.01- Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Реимов Ниетбай Байназарович

Орол бўйи тупроқлари унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш агротехнологияларини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси шароитида)..... 3

Реимов Ниетбай Байназарович

Совершенствование агротехнологий для повышения плодородия почв и урожайности сельскохозяйственных культур Приаралья (в условиях Республики Каракалпакстан)..... 29

Reimov Nietbay Baynazarovich

Improvement of agricultural technologies to increase soil fertility and crop productivity of the Aral Sea region (in the conditions of the Republic of Karakalpakstan)..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
НУКУС ФИЛИАЛИ**

РЕИМОВ НИЕТБАЙ БАЙНАЗАРОВИЧ

**ОРОЛ БЎЙИ ТУПРОҚЛАРИ УНУМДОРЛИГИ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси шароитида)**

06.01.01- Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Qx108 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида бажарилган.

Докторлик диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.psuvaiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Исмаилов Узакбай Ембергенович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Ибрагимов Одилжон Олимжанович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Тилляев Рихсивой Шамамадович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.


Орипов Раззоқ Орипович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот: Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот
институтини

Докторлик диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг ҳузуридаги DSc 05/30.12.2019. Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «30» 06 2021 йил соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99878) 150-61-37; e-mail: riim@agro.uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника. М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ.

Докторлик диссертация автореферати 2021 йил «16» 06 да тарқатилди.
(2021 йил «16» 06 даги 1 рақамли реестр баённомаси)


Ш.Н.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор


Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н.,
профессор


Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. «Ҳозирги вақтда дунё бўйича деҳқончиликда фойдаланиладиган ерлар 1,6 млрд. гектар майдонни ташкил этиб, қишлоқ хўжалиги амалиётида деҳқончиликда тупроқни муҳофаза қилувчи ресурстежамкор илғор технологияларни кенг жорий этиш натижасида, ерларнинг унумдорлигини яхшиланиши, экинлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда ёқилғи-мойлаш материалларининг самарали тежалиши, такрорий ва оралиқ экинлар парваришланиб, сўнгра пахта етиштириладиган майдонларда ишлаб чиқариш таннархининг камайишига эришилмоқда¹». Ушбу йуналишда Орол бўйи тупроқларининг унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш агротехнологияларини такомиллаштириб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Дунё қишлоқ хўжалигида экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг истиқболли агротехнология элементларини ишлаб чиқиш, уларни жорий қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, экиладиган экинлар навларини тупроқ, иқлим шароитларидан келиб чиқиб жойлаштириш, сув танқис бўлган майдонларда алмашлаб ва навбатлаб экиш тизимини тўғри белгилаш, экилаётган экинлар турларини тўғри танлаш бўйича тадқиқотларни ривожлантиришга урғу берилмоқда. Бунда айниқса органик ўғитлардан фойдаланишнинг инновацион технологиялари воситасида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, экстремал иқлим шароитларда алмашлаб экишнинг янги тизимлари ҳисобига тупроқ хоссаларини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Орол бўйи аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини юқори босқичга олиб чиқишда мавжуд ресурслардан тўғри фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳсулдорлигини кўтариш билан бирга тупроқ унумдорлигини ошириш, экинларни етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириб бориш долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш, глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш” муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган². Орол бўйи ҳудудларида ниҳолларни тўлиқ ундириб олиш учун ерларни текислашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, органик ўғитлар ҳисобига тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш, алмашлаб экишнинг янги

¹<http://www.fao.org/faostat/ru/#country/235>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли « Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармони

тизимлари орқали ерлардан самарали фойдаланиш, уларни муҳофазалашга қаратилган тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4574 сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Орол бўйи регионини ривожлантириш бўйича давлат дастури тўғрисида»ги ва 2018 йил 16 октябрдаги ПҚ-3975-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Орол бўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Ҳозирги вақтда дунё бўйича қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш агротехнологиясини такомиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маҳаллий ўғитлардан кўпроқ фойдаланиш, экинларни алмашлаб экиш тизимини қўллаш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, Россия Федерацияси қишлоқ хўжалик департаменти [Россия], Chinese Academy of Agricultural sciences [Хитой], Америка қўшма штатлари [АҚШ, USDA] қишлоқ хўжалик департаменти, Indian Central Institute for Cotton Research [Ҳиндистон], Cotton RescerchInstitute in Malton [Покистон], Australian Cotton Research Institute [Австралия], University of Cordoba [Испания] ва Cotton Research and Application Center [Туркия] изланишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон қишлоқ хўжалигида ресурстежамкор агротехнологияларни илмий жиҳатдан қўллаш натижасида тупроқ унумдорлигини ошириш ва экологик соф маҳсулот етиштиришга оид илмий натижалар олинган, улардан ерлардан йил бўйи, интенсив ва максимал даражада фойдаланиш билан бирга тупроқ унумдорлигини сақлаш (Chinese Academy of Agricultural sciences), кам харажат сарфлаб ғўзадан мўл ҳосил етиштиришда маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланишга эришилган (Cotton Research Institute in Malton). Голландия, Америка қўшма штатларида экинлар агротехнологияларини доимо такомиллаштириб бориш ва экологик тоза маҳсулотларни етиштиришга эришилмоқда. Шунингдек, ҳозирги вақтда дунёда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида илғор агротехнологияларни қўллаб қувватлаш корхоналари ташкил этилган бўлиб, улар асосан Кубада «Максимум», Хитойда «СПП»,

Япония ва АҚШ да «Кооператив туманлари», Европа давлатларида «Йўлдош-шаҳарлар» ва бошқа ривожланаётган давлатларда «Экспорт товарлари туманлари» бўлиб ерни асраш, унумдорлигини сақлаш билан бирга экинлар агротехнологиялари такомиллаштирилиб борилмоқда.

Бугунги кунда ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни етиштиришда тупроққа экишгача ишлов бериш агротехнологиясини такомиллаштириш, тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хусусиятларини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, табиий ресурслардан, жумладан сув, органик ва минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш бўйича ҳамда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл, сифатли ва эртаги ҳосил етиштириш билан бирга аҳолига арзон ва сифатли озиқ-овқат етиштириб бериш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда Қ.Мирзажонов, З.Турсунхўжаев, А.Кашкаров, Ш.Нурматов, Б.Исаев, Р.Тилляев, Б.Халиков, А.Болкунов, Т.Пирохунов, Н.Махсудов, А.Айтымбетов, Ж.Торениязова, И.Сметов, Р.Қузиёв, У.Исмаилов, Ф.Номозов М.Тошқузиёв, Н.Абдирахманов ва бошқа олимлар қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash, агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича турли тупроқ-иқлим шароитларида илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда В.Докучаев, П.Костичев, В.Вильямс, Н.Тайлор, В.Волгер, Н.Гарднер, Ж.Буссенго, А.Либах, А.Шидельдорф, К.Биндер каби олимлар томонидан тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича ўрганилган ва кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Лекин, Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган, унумдорлиги паст тупроқлари шароитида агротехнология элементларини такомиллаштириш орқали қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ва тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳамда ошириш бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган ҳамда тавсиялар берилмаган.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ТошДАУ Нукус филиали илмий тадқиқот ишлари режасининг “Қорақалпоғистон Республикасининг шўр тупроғида тупроқ унумдорлиги ва ғўза алмашлаб экишнинг маҳсулдорлигини ошириш усуллари”, “Қорақалпоғистон Республикаси шароитида тупроқни экиш олди сифатли тайёрлаш ва оптимал зичликка эришиш”, “Қорақалпоғистон Республикаси экстремал иқлим ва шўр тупроғи шароитида ерларни ҳар хил текислашнинг самарадорлиги” ҳамда “Пахтачилик зоналари суғориладиган тупроқлари унумдорлигини экологик жиҳатдан ҳисобланган қайта тиклаш прогнозини ишлаб чиқиш” мавзулари доирасида бажарилган (1986-2016 йй).

Тадқиқотнинг мақсади. Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган тупроқ ва экстремал иқлим шароитларида экинлардан юқори ҳосил олиш ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириб боришда агротехнология элементларини такомиллаштиришнинг ғўза, беда, дон ва озуқа экинларининг ҳосилдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Орол бўйи қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларнинг баланд-пастлигини $\pm 3-5$ сантиметрга келтирувчи лазерли текислашнинг экинлар ҳосилдорлигига ва тупроқ унумдорлигига таъсирини аниқлаш;

КФГ-3,6 фрезерли агрегати ёрдамида тупроқни экиш олдида сифатли тайёрлашнинг қишлоқ хўжалиги экинлари ниҳолларининг униб чиқиши, ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш;

ярим чириган қорамол гўнги билан экинлар уруғлари экилган қаторларни 12-13 сантиметр кенликда ва 3-4 сантиметр қалинликда, кучли шўрланган ерларда 5-6 сантиметр қалинликда лентасимон мульчалашнинг ниҳолларнинг униб чиқиши, ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига ҳамда тупроқ унумдорлигига таъсирини аниқлаш;

қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экиш тизимларини мақбул вариантларини 3:4:1:2 ва 1:3:1:2 тизимларини қўлланишни режалаштириш;

тупроқнинг агрофизикавий ҳамда агрохимёвий хоссаларини аниқлаш;

экинларни парваришда агротехнология элементларини такомиллаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган ўтлоқи аллювиал, сур-қўнғир тупроқлари, ғўзанинг Чимбой 5018, маккажўхорининг Ўзбекистон 601 АМВ, Узбекская 100, жўхорининг «Бойжугара», «Даулет», «Массино», «Азамат» Ўзбекистон 18, беданинг КК 15, арпанинг «Унумли», мойли кунгабоқарнинг КК-1, судан ўтининг «Чимбайская-Юбилейная» навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ерларни лазерли текислаш, тупроқни экиш олдида сифатли тайёрлаш, экиш вақтида экинлар қаторларини мульчалаш, сув танқис бўлган йилларда сув таъминотига қараб алмашлаб экиш тизимини такомиллаштириш ҳамда ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришлашнинг тупроқ агрохимёси, агрофизикаси ва экинларни ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилиб, бунда «Методика проведения опытов с хлопчатником», «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методы агрохимических анализов почв и растений», «Методы агрофизических исследований», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмалар асосида олиб борилди, тажрибалардан олинган маълумотларга статистик ишлов бериш Б.А.Доспеховнинг «Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником» қўлланмаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Орол бўйидаги Қорақалпоғистон Республикаси экстремал тупроқ-иқлим шароитида қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш билан бир қаторда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни таъминлайдиган алмашлаб экиш тизимлари ва тупроққа ишлов бериш усуллари такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда нотекис майдонларни лазерли бошқариладиган текислагич ёрдамида $\pm 3-5$ сантиметрга келтириб, ҳар 3 йилда бир марта текислаш ҳамда экиш олдидан 80-86% агрономик қулай фракцияли майин тупроқ ҳосил қилишда КФГ-3,6 фрезерли чуқур юмшатгич агрегатидан фойдаланиш самарали эканлиги аниқланган;

қатор ораларига ишлов берилладиган экинларни парваришладда ярим чирган қорамол гўнги билан 2-2,5 т/га ҳисобидан лентасимон шаклда 12-13 сантиметр кенликда ва 3-4 сантиметр қалинликда, кучли шўрланган ерларда 5-6 сантиметр қалинликда мульчалашнинг ниҳоллар текис униб чиқишига, ўсиб ривожланишига, тупроқ унумдорлигининг сақланишига ва ошишига ижобий таъсири исботланган;

алмашлаб экишнинг 3:4:1:2 ва 1:3:1:2 тизимлари қўлланилганда экинлар ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

майдонлар лазерли бошқариладиган текислагич орқали текисланганда жами харажатлар миқдори 14-18 фоизга, ишчи кучи биринчи йили 11 фоиз, кейинги йиллари эса 23-27 фоизга, суғориш учун қўшимча (насос, ЁММ ёки электр-энергияга) сарфланган харажатлар 21-27 фоиз, суғоришга сарфланадиган сувни 20 фоизга қисқартиришга эришилиб, ғўзанинг ҳосили 8-10 фоизгача, рентабеллик даражаси биринчи йили 10-15 фоиз ва кейинги йиллари 25 фоизга ошиши аниқланган;

тупроққа экиш олдидан КФГ-3.6 фрезали чуқур юмшатгич культиватори орқали ишлов берилганда ўсимликлар учун қулай агрономик жиҳатдан қимматли агрегатлар миқдори 80-86 фоизга етиб, 5,2 ц/га гача қўшимча ҳосил олиниши исботланган;

экиш вақтида уруғлар қаторини қорамол гўнги билан 2-2,5 т/га ҳисобидан лентасимон шаклда 12-13 сантиметр кенликда ва 3-4 сантиметр қалинликда, кучли шўрланган ерларда 5-6 сантиметр қалинликда мульчалашнинг экинларнинг ниҳолларини текис униб чиқишига ҳамда ўсиб ривожланишига, ҳосилдорлигига ижобий таъсири этиши аниқланган;

алмашлаб экишнинг 3:4:1:2 тизимида 1 миллион 989 минг сўмдан 2 миллион 141 минг сўмгача соф фойда олиниб, рентабеллиги 43,3-52,5 фоизгача ошиши, алмашлаб экишнинг 1:3:1:2 тизимида донли ем-хашак экинларини ғўза экини билан алмашлаб экилганда эса рентабеллик даражаси 17,4-20,3 фоизни ташкил этиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган маълумотлар математик-статистик таҳлиллар билан тасдиқланганлиги, халқаро ва маҳаллий илмий тажрибалар билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва келтирилган хулосаларнинг мос келганлиги, илмий-тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда баён қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Орол бўйида қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш билан бир қаторда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш агротехнологиясини такомиллаштиришда ерларни лазерли текислагич билан $\pm 3-5$ сантиметрга келтириб ҳар уч йилда бир марта текислашни, ерларни экиш олдидан уруғларга яхши шароит яратиш учун фрезали культиватор чуқур юмшатгич КФГ-3,6 агрегати билан ҳар экишдан олдин майин тупроқ олиш учун пассив ва актив органлар билан ишлов беришнинг, Республикада баҳорги ёмғирлар таъсирида бўладиган қатқалоқни олдини олиб, баҳорги ўзгарувчан иқлим шароитида нам сақлаш ва иссиқлик чақириш мақсадида қаторлаб экиладиган экинларнинг уруғи экилган қаторларига ярим чириган қорамол гўнги билан экиш қаторларни экиш вақтида мульчалошни, гўза:беда алмашлаб экишининг 3:7 тизимини икки қисмга 3:4:1:2 тизимига бўлиб ва 1:3:1:2 тизимларини маҳаллий ва маданий ўғитлар билан кучайтиришни жорий этилиши натижасида тупроқ унумдорлиги сақланиши ва ортиши билан бирга гўзадан ва ўтмишдош экинлардан юқори ҳосил олиниши, сифати яхшиланиб боришини илмий жиҳатдан асосланиши ишнинг илмий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Орол бўйи шўрланган тупроқлари шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда юқори ва сифатли ҳосил олишда нотекис майдонларни лазерли текислагич орқали $\pm 3-5$ сантиметрга келтириб, ҳар уч йилда бир марта текислаш, экиш олдидан майин тупроқ ҳосил қилишда фрезали культиватор чуқур юмшатгич КФГ-3,6 агрегати билан ҳар экишдан олдин ишлов берилганда тупроқнинг агрономик жиҳатдан қулай фракциялар миқдорини 74-84 фоизгача етказиб ишлов бериш, қаторлаб экиладиган экинлар уруғи экилган қаторлари устини 12-13 сантиметр кенгликда, ўрта шўрланган ерларда 3-4 сантиметр қалинликда, кўшли шўрланган ерларда 5-6 сантиметр қалинликда лентасимон усулда гектарига 2-2,5 тонна/га миқдорда гўнг билан мульчалош орқали баҳорги ёмғирлар таъсирида ҳосил бўладиган қатқалоқни олдини олиб, тупроқ намлигини сақлаб ва экинларни бир текис униб чиқишига ҳамда ўсиб ривожланишига замин яратилиши, алмашлаб экиш 3:4:1:2 тизимида тупроқ унумдорлиги ортиши билан бирга гўзадан 38,2 ц/га пахта ҳосили олиниб, гектаридан 1 миллион 989 минг сўмдан 2 миллион 141 минг сўмгача соф фойда олиниб, рентабеллиги 43,3-52,5 фоизгача ошгани, 1:3:1:2 тизимида рентабеллик даражаси 17,4-20,3 фоизга тенг бўлгани ва ўтмишдош экинлардан жами 302,4-314,1 ц/га ҳосил олиниши фермер хўжаликлари ва бошқа ерлардан фойдаланувчилар ҳамда агрокластерларга кенг тадбиқ этилиши билан изоҳланади.

Натижаларининг жорий қилиниши. Орол бўйидаги Қорақалпоғистон Республикасининг турли даражадаги шўрланган, нотекис, унумдорлиги паст тупроқлар шароитида ерларни лазерли ер текислагич билан текислаш ҳамда экиш олдидан ишлов беришнинг ресурстежамкор агротехнологиясини тупроқ унумдорлигига ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигига таъсири бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

фермер хўжаликлари ҳамда агрокластерлар учун «Фермерлар учун деҳқончилик бўйича қўлланма», «Ёўза ва буғдой агротехникаси, тупроқ унумдорлигини ошириш чора-тадбирлари» мавзулари бўйича тавсияномалар тасдиқланган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2020 йил 18 августтаги 06-09/8-5/466-сон ва Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18 сентябрдаги 03/010-2014-сон маълумотномалари). Ушбу тавсияномалар Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги бошқармалари, агрокластерлар ҳамда фермер хўжаликларда ёўзанинг Чимбай 5018, маккажўхорининг Ўзбекистон 601 АМВ, Узбекская 100, жўхорининг «Бойжугара», «Даулет», «Массино», Ўзбекистон 18, беданинг КК 15, арпанинг «Унумли», судан ўтининг «Чимбайская-Юбилейная», буғдойнинг «Крошка», «Янбаш», мойли кунгабоқарнинг КК-1, навларини парваришлашда қўлланма сифатида хизмат қилган;

Қорақалпоғистон Республикасининг шўр тупроқли, нотекис ерлари шароитида ишлаб чиқилган ерларни лазерли текислагич билан текислаш технологияси 702,0 гектарга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2020 йил 18 августтаги 06-09/8-5/466-сон ва Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18 сентябрдаги 03/010-2014-сон маълумотномалари). Бунинг натижасида ерларни лазерли текислагич орқали текислаш технологияси қўлланганда кузги ғалладан 45,8 ц/га, ёўзадан эса 25-28 ц/га ҳосил олиниб, сарфланадиган ишлаб чиқариш харажатлари 21-27 фоизгача, суғоришга ишлатиладиган сув миқдори 25 фоизгача камайиши, рентабеллик даражаси биринчи йили 10-15 фоизга, кейинги йилларда эса 25 фоизгача ортган;

унумдорлиги паст, механик таркиби оғир қумоқ тупроқлар шароитида ерни экиш олдида КФГ-3,6 фрезали чуқур юмшатгич агрегати ёрдамида ишлов бериш агротехнологияси 693,0 гектарга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18 сентябрдаги 03/010-2014-сон маълумотномаси). Натижада тупроқнинг агрокимёвий ва агрофизик хусусиятлари яхшиланиб, тупроқнинг агрономик жиҳатдан қимматли агрегатлари 76,9-83,2 фоизга тенг бўлган ва 3,7-5,2 ц/га қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган;

ёўза парваришлашда 2-2,5 т/га миқдорда ярим чириган гўнглardan қатор орасига мульча ҳисобида фойдаланиш эса 639 гектарга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 18 сентябрдаги 03/010-2014-сон маълумотномаси). Натижада мульча қўлланганда ердаги намликни сақлаган ҳолда тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссаларини яхшиланиши ҳисобига эрта баҳорда вужудга келадиган қатқалоқни олди олиниб, ниҳолларни бир текисда униб чиқишига замин яратилган;

деҳқончиликда алмашлаб экиш тизимларини мақбул режалаштириш бўйича натижалар 826 гектарга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2020 йил 18 сентябрдаги 03/010-2014-сон маълумотномаси). Натижада алмашлаб экишнинг беда:ёўза

тизимда пахтадан 4-5 ц/га қўшимча ҳосил олинди, рентабеллик даражаси 43,3-52,5 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Дала шароитида олиб борилган тажрибалар ЎзҚХБИММ, ҚҚДИТИ ва ТошДАУ Нукус филиали томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар ҳар йили илмий ва услубий кенгашларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий мақолалар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг (ОАК) докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та, жумладан 6 мақола республика, 3 таси хорижий журналларда ва 3 та монография, 7 та мақола халқаро илмий-амалий конференцияларда, 7 та мақола Республика миқёсидаги конференция тўпламларида ва 2 тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 6 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экинларни етиштиришда ерга экишгача ишлов бериш усуллари бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, ерни экиш олдида текислаш, ишлов бериш усуллари тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсири борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқотлар натижалари ёритилган ва улар чуқур таҳлил қилинганлиги келтирилган.

Диссертациянинг «**Тажриба ўтказилган жой ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари баён қилинган.

Орол бўйининг шимолий қисмида ўртача йиллик ҳарорат 10,5°C атрофида, қиш ойларида ҳарорат бу ерларда ўртача -6-7°C (январь) ва февраль ойларининг бошларида -22°C дан 26°C га, ёз ойларида ҳарорат ўртача +26°C (максимум +42°C июль ойи) атрофида бўлади.

Тупроқнинг физикавий хоссалари бўйича тўпланган маълумотларга кўра суғориладиган мавжуд ўтлоқи аллювиал тупроқларда ҳажм масса юқори қатламда $1,21 \text{ г/см}^3$ бўлиб, солиштирма масса $2,59-2,63 \text{ г/см}^3$ ни, умумий ғоваклик $51,2-54,3$ фоизни ташкил этади.

Чимбой агрометеопункти жойлашган ерларда баҳор ва ёзни бошларида тупроқни экишга тайёрлаш вақтида секундига $7-12 \text{ м/сек}$ тезликда эсадиган шамоллар билан изоҳланади. Иссиқ кунлар бу ерда ҳам $80-200$ кун атрофида бўлиб, булутсиз кунлар йил давомида 175 кун бўлиб, июнь, август, сентябрь ойлари булутсиз бўлган.

2014 йил шароитида қиш ойида (январда ўртача $-6,8$, февралда $-10,4^{\circ}\text{C}$) ўртача ҳаво ҳарорати $-8,5^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилди. Баҳорда март ойининг ҳарорати $5,4$, апрелда $11,7$, майда $24,9^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилиб, ёзда июн ойида $28,0^{\circ}\text{C}$, июлда $26,2$ августда $27,3^{\circ}\text{C}$ ва кузда сентябрда $18,0$, октябрда $7,8$, ноябрда $1,0$ ва декабрда $-3,2^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилди. Ёғин-сочин миқдорлари январда $14,8$ миллиметр, февралда $18,8$, мартта $32,1$, апрельда $42,9$, майда $13,8$, июнда $2,4$ миллиметрга тенг бўлди. Июлда ва августта ёғин-сочинлар бўлмади. Сентябрьда $0,6$, октябрда $9,2$, ноябрда $37,8$ ва декабрда $1,3$ миллиметрга тенг бўлди.

2015 йилнинг қиш ойида (январда ўртача $-2,3$, февралда $-0,20^{\circ}\text{C}$) ўртача ҳаво ҳарорати $-1,2^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилди. Баҳорда март ойининг ҳарорати $4,2$, апрелда $15,5$, майда $22,0^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилиб, ёзда июн ойида $28,8^{\circ}\text{C}$, июлда $29,0$, августда $25,3^{\circ}\text{C}$ ва кузда сентябрда $19,0$, октябрда $9,6$, ноябрда $3,0^{\circ}\text{C}$ ва декабрда $1,5^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилди. Ёғин-сочин миқдорлари январда $11,8$ миллиметр, февралда $14,9$, мартта $20,9$, апрельда $17,3$, майда $27,9$, июнда ёғин-сочинлар бўлмади. Июлда $0,4$, августта $0,7$ га тенг бўлди. Сентябрьда ёғин-сочинлар бўлмади. Октябрда $13,3$, ноябрда $18,0$ ва декабрда $28,5$ миллиметрга тенг бўлди.

Тадқиқотлар лаборатория ва дала шароитида олиб борилиб, «Методика проведения опытов с хлопчатником», «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методы агрохимических анализов почв и растений», «Методы агрофизических исследований», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмалар асосида, тажрибалардан олинган маълумотларга статистик ишлов бериш Б.А.Доспеховнинг «Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником» қўлланмалари асосида амалга оширилган.

Тупроқлар таркибидаги гумус миқдори И.В.Тюрин усулида; нитрат азоти ионоселектив усулида; умумий азот, фосфор ва калий битта намунада И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко усулида; ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин усулида; алмашинувчан калий оловли фотометрда П.В.Протасов усулида; дала шароитида тупроқнинг ҳажм массаси цилиндр усулида Качинский бўйича; тупроқ ғоваклиги ҳисоблаш усулида; тупроқнинг сув ўтказувчанлиги Качинский усулида бажарилган.

Диссертация иши дастурига мувофиқ илмий изланишлар Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган ўтлоқи аллювиал, сур-қўнғир тупроқларида тўртта йуналиш бўйича олиб борилганлиги баён қилинган.

Ушбу кўрсатилган йуналишлар бўйича илмий изланишларда ҳар бир тажриба даласида ўтказилган барча агротехник тадбирлар тафсилоти ёритилган ва тадқиқотлар объекти сифатида олинган қишлоқ хўжалиги экинларнинг биологик тавсифи тўлиқ баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тупроққа асосий ишлов бериш технологияларини такомиллаштиришнинг тупроқ унумдорлигига ва экинлар ҳосилдорлигига таъсири**» деб номланган учинчи бобида ерларни лазерли текислагич орқали текислаш, ерга экиш олдидан КФГ-3,6 фрезерли агрегат ёрдамида ишлов бериш бўйича илмий изланишлар натижалари баён этилган. Дала контури текислигига эришиш ишлари лазерли бошқариладиган текислагич ёрдамида олиб борилди. Бунда, оддий, капитал текислаш ва дала текисланмаган ҳолатларга (назорат) таққосланиб, тадқиқотлар Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида Бахытлы ҚФЙ «Сейпил» массивида, Қорақалпоғистон Деҳқончилик Илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалигида 4,5 гектар майдонда олиб борилди.


Тажриба даласида текислаш ишлари ўтказилмаган вақтда контурнинг тўрт бурчаги экиш бўйича тенг етилишининг фарқи 12 кунга тенг бўлди. Тажрибанинг 2-усулида текислаш ишлари жорий текислаш усулида олиб борилиб, картанинг нотекислиги контур диагоналлари бўйлаб фарқи ± 79 сантиметр, 3-усулида капитал текислаш усулида олиб борилганда картанинг нотекислиги контур диагоналлари бўйлаб ± 57 сантиметр, 4-усулида текислаш ишлари лазерли текислаш усулида олиб борилганда картанинг нотекислиги контур диагоналлари бўйлаб $\pm 3-5$ сантиметр оралиғида бўлиб, карта нотекислиги контур диагоналлари бўйлаб андоза (назорат) усулига нисбатан 109 см.га, жорий текислаш ишлари бажарилган усулда ± 76 сантиметрга ва капитал текислаш ишланган усулга нисбатан 54 сантиметргача камайган ва деярли абсолют текисликка эришилган.

Ерларнинг текис-нотекислигининг тупроқ таркибидаги тузлар миқдори таъсирини аниқлаганимизда текисланмаган усулда тупроқдаги хлор иони миқдори 0,032 бўлган бўлса, оддий жорий текислаш усулида ± 67 га келтириб текисланган усулда хлор иони миқдори 0,023, капитал текислаш усулида 0019 ва тажрибада ерларни текислаш ишлари лазерли текислаш усулида олиб борилганда тупроқдаги хлор иони миқдори 0,008 га тенг бўлган.

Ерларни ҳар хил текислаш усуллариининг Чимбой 5018 ғўза навининг ҳосилдорлигига таъсирини аниқлашда ерларни лазерли текислашда текисланмаган (назорат варианты) да ўртача 20,8 ц/га ҳосил олинган бўлса, жорий текислашда 26,7 ц/га пахта ҳосили олинди. Капитал текислаш усулида 29,3 ц/га, лазерли текислаш усулида 32,7 ц/га ҳосил олинди, назоратга нисбатан 11,9, жорий текислаш усулига нисбатан 6,0 ц/га ва капитал текислаш усулига нисбатан 3,4 ц/га қўшимча ҳосил олинди (1-расм).

Ғўзанинг туп сони 107 минг дона, ғўзанинг ўртача бўйи 106 сантиметр ва ҳосилдорлиги тажриба йиллари бўйлаб 31,4-36,7 ц/га бўлган.

Текислаш ишлари ўтказилмаган назорат вариантыга нисбатан 12,5 ц/га, жорий эксплуатацион ишлар бажарилган вариантга нисбатан 6,8 ц/га ва капитал текислаш ишлари бажарилган вариантга нисбатан 9,1 ц/га юқори пахта ҳосили олинган.



1-расм. Ерларни ҳар хил текислаш усуллариинг ғўзанинг Чимбай 5018 нави ҳосилдорлигига таъсири, ц/га

Олинган маълумотлар асосида ерларни лазерли текислашни ишлаб чиқаришга тўлиқ тавсия этиш лозим деган хулосага келиш мумкин.

Лазерли бошқариладиган ерни текислагичнинг MARA-50MDE маркали лазер қурилмасидан фойдаланиб текисланган вариантда олинган фойда ишлатилган харажатлардан олти марта кўп ва ер $\pm 3-5$ сантиметр баланд пастликда текислангандан сўнг бизга келажакда тайёр текис дала контурлари қолади.

Ерлар лазер қурилмаси ёрдамида текисланган учинчи вариантдан биринчи вариантга нисбатан 9,6 ц/га ва ҳозирги кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида экиш олди агротехникасида ишлатилаётган оддий капитал планировка асосида тайёрланган участкада 2-вариантга нисбатан 7,1 ц/га қўшимча ҳосил олинди.

Таъкидлаш жоизки ерларни лазерли текислашдан сўнг ғўзанинг Чимбой 5018 нави парвариш қилинганда даланинг бир хил намланиши, тузларнинг сифатли ювилиши, суғориш сифатининг ошиши эвазига, ниҳолларнинг бир текис униб чиқишига эришилди ва текисланмаган

вариантга нисбатан 12,5 ц/га, жорий текислашга нисбатан 6,8 ц/га ва капитал текислашга нисбатан 3,4 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинди.

Хулоса қилиб айтганимизда, ерларни текислаш учун лазерли текислашни қўллашиши зарурлиги олинган маълумотларда тасдиқламоқда.

Ерларни ҳар хил текислаш усуллариининг мойли кунгабоқарнинг КК-1 нави ҳосилига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар Чимбой туманидаги Қорақалпоғистон Деҳқончилик илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигининг «Арсары» массивидаги 20 гектарлик участкада, ўртача шўрланган, ўтлоқи аллювиал тупроқларида ўтказилди.

Шўрланиш типи-хлоридли сульфатли. Сизот сувлари 1,4-1,9 метр чуқурликда жойлашган майдонларда мойли кунгабоқарнинг КК-1 нави экилиб, парваришланди.

Тупроқ таркибидаги тузлар миқдори 0,010 га тенг бўлиб, 10 кундан кейин ниҳоллар сони 13 донага тенг бўлиб, мойли кунгабоқарнинг туп сони 67 минг дона бўлган. Мойли кунгабоқарнинг ўртача бўйи 146 сантиметр бўлиб, ўртача ҳосилдорлиги 26,9 ц/га га тенг бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Ерларни ҳар хил текислашнинг мойли кунгабоқарнинг КК-1 нави ҳосилига таъсири


Вариантлар рақами	Текислаш турлари	Карта нотекислиги, см	Ҳосилдорлик, ц/га	Қўшимча олинган ҳосил		
				Назорат усулига нисбатан	Жорий текислаш усулига нисбатан	Капитал текислаш усулига нисбатан
1	Текисланмаган (назорат варианты)	± 119	16,8	00	-	-
2	Жорий текислаш	± 83	19,3	2,5	00	-
3	Капитал текислаш	± 64	22,7	5,9	3,4	00
4	Лазерли текислаш	± 3	26,9	10,1	7,6	4,2

Текислаш ишлари ўтказилмаган назорат усулга нисбатан 10,1 ц/га, капитал текислаш усулига нисбатан 5,9 ва жорий текислаш ишлари ўтказилган вариантда 2,5 ц/га гача қўшимча дон ҳосили олинган (2-расм).

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, ерларни лазерли текислаш ишлари ўтказилган тўртинчи вариантда дала контури нотекислиги ±3-5 сантиметрга тенг бўлиб, контурнинг барча тўрт бурчаги тенг бўлди.

Диссертацияда ерни экишга тайёрлаш агротехнологияси бўйича Қорақалпоғистон Деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалиги «Жанбас жап» массивида КФГ-3,6 фрезерли юмшатгич агрегати билан ерни экишдан олдин 18-23 сантиметр чуқурликда майдалаб юмшатишнинг тупроқ хоссаларига, экинларнинг униб чиқиши,

ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.



2014 йил
 $HCP_{05}=0,54$
 $Sx=2,48$

2015 йил
 $HCP_{05}=0,53$
 $Sx=2,39$

2016 йил
 $HCP_{05}=0,57$
 $Sx=2,82$

2-расм. Ерларни ҳар хил текислаш усулларининг мойли кунгабоқарнинг КК-1 нави ҳосилига таъсири (2014-2016 йй).


КФГ-3,6 принципидаги фрезали агрегатларни қўллаш орқали тупроқ дондорлиги қанча яхши бўлса капилляр тизим орқали намлик шунча кам исроф бўлиб, ўсимликлар ҳаётида жуда муҳим бўлган агрономик жиҳатидан қулай фракциялар 80-86 фоизни ташкил этиб, ниҳоллар бир текис униб чиқганлиги ва тез ривожлана бошлаганлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, тупроқ майда фракцияларга бўлиниб, ўсимликларнинг яхши ўсишига ижобий таъсир кўрсатувчи КФГ-3,6 фрезали чуқур юмшатгич культиватори агрономик қулай (0,25 дан 10 миллиметр гача) фракциялар миқдорини кескин ошириши эвазига қишлоқ хўжалиги экинларининг максимал ўсиб, ривожланиши ва ҳосил тўплаши учун шароит яратилганлиги кузатилган.

Назорат вариантыда тупроқни ҳайдашдан сўнг оддий усулда 3 марта борона-мола билан ишлаганда ғўза ниҳолларнинг, экишдан 16 кундан сўнг (кузатувнинг охириги санасида) бир погон метрда униб чиқиши 19,5 донани ташкил этган бўлса, экишдан олдин тупроқ КФГ-3,6 билан ишлов берилиб, мола билан текислаб, зичланганда 21,3 донани, тупроққа КФГ-3,6 агрегати билан ишлов бериб, каток билан зичланганда 24,2 донани ташкил этганлиги, яъни фрезерли агрегатни каток билан бирга ишлатишнинг афзаллиги аниқланган.

Ишлов берувчи агрегатларнинг тупроқнинг сув-физика хусусиятларига таъсири

Кўрсаткичлар	Тажриба вариантлари		
	2 марта борона-мола	КФГ - 3,6 билан ишлаш ва молалаш	КФГ - 3,6 билан ишлаш ва катоклаш
Ўлчовлари 10-0,25 мм бўлган тупроқ бўлакчалари миқдори, %	63,5	76,9	83,2
Тупроқнинг зичланиш даражаси, Мпа	0,43	0,34	0,41
Тупроқнинг ҳажм массаси г/см ³	1,33	1,24	1,32
Тупроқнинг намлиги, %	17,07	17,03	18,5
5 кундан кейинги тупроқ намлигининг камайиш даражаси, %	2,9	2,3	1,1



3-расм. Тупроққа экиш олдидан ҳар хил усулларда ишлов беришнинг ғўза хосилдорлигига таъсири, ц/га (КФГ 3,6).

Тадқиқотда ерни ҳайдашдан сўнг 3 марта борона-молалаш билан ишлов берилганда 10-0,25 миллиметр бўлган тупроқ агрономик жиҳатдан қулай фракциялар миқдори 63,5 фоиз, КФГ-3,6 билан ишлов бериб, сўнг молалаш тадбири ўтказилганда 76,9 фоиз ва КФГ-3,6 билан ишлов бериб ва катокланганда 83,2 фоизга етган (2-жадвал).

Тупроқни ҳайдашдан сўнг оддий усулда 3 марта борона-мола билан ишлаганда ғўзанинг бош пояси баландлиги 81,2 сантиметр бўлган бўлса,

экишдан олдин ерни КФГ-3,6 билан ишлов берилиб, мола билан текисланганда 81,8 сантиметр, ерни КФГ-3,6 билан ишлов бериб, каток билан зичланганда эса 83,1 сантиметрга тенг бўлди. Ерни ҳайдашдан сўнг оддий усулда 3 марта борона-мола билан ишлов берилган назорат вариантыда ғўзанинг уч йилдаги ўртача ҳосилдорлиги 30,6 ц/га, экишдан олдин ерни КФГ-3,6 билан ишлов бериб, мола билан текисланиб, зичланганда 34,3 ц/га, каток билан зичланганда олинган ҳосил 35,8 ц/га тенг бўлиб, экиш олди тупроқни майдаловчи фрезерли агрегатларни қўллаш афзал эканлиги қайд этилган.

Хулоса ўрнида шуниси айтишимиз мумкин, тадқиқотлар натижаларига кўра, тупроқ фрезерли культиватор чуқур юмшатгич билан ишланган усулда 1 сентябр ҳолатига кўра асосий поянинг баландлиги 3-4 сантиметрдан юқори бўлиб, бир ўсимликда назоратга нисбатан кўсақлар сони кўпроқ ҳосил бўлди ва 5,2 ц/га қўшимча ҳосил олинди.

Тупроқни экиш олди ишлови КФГ-3,6 агрегати ва каток билан амалга оширилган усулда эса тупроққа экиш олдидан ишлов КФГ-3,6 фрезали чуқур юмшатгич культиватори ва мола билан амалга оширилган усулга нисбатан 1,5 ц/га қўшимча ҳосил олинган (3-расм).


Диссертациянинг «**Қорақалпоғистон Республикасида чигит ҳамда окжўхори уруғи экилган қаторлар устини мульчалашнинг аҳамияти**» деб номланган бобида қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlashда ёғингарчилик оқибатида мавжуд бўладиган қатқалоқни олдини олиш, баҳорги ўзгарувчан иқлим шароитида нам сақлаш ва ниҳолларни бир текисда униб чиқиб, ривожланиши учун ярим чириган қорамол гўнгида фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлили баён этилган.

Тупроқнинг ҳажм массаси тажриба қўйишдан олдин 1,33-1,35 г/см³ бўлган бўлса, у биринчи сувга қадар тажрибада қўлланган мульча тупроқнинг ўртача ҳажм массасига, солиштирма массаси ва ғоваклик даражасига ҳар хил таъсир қилган.

Назорат вариантыда ҳайдов (0-30 см.) қатламида тажрибанинг биринчи йили тупроқнинг ҳажм массаси 1,32 г/см³ бўлган бўлса, солиштирма массаси даражаси 2,68 г/см³ ва ғоваклиги 46,40 фоизга, иккинчи йили бу кўрсаткичлар мос равишда 1,36 г/см³, 2,74 г/см³, 46,25 фоизга, учинчи йили шу 1,38 г/см³, 2,76 г/см³, 46,19 фоизга тенг бўлган. Тажрибанинг иккинчи вариантыда, яъни мульчалаш меъри 1 т/га га тенг бўлганда шу қатламда биринчи йили 1,31 г/см³, 2,67 г/см³, 47,18 фоизга, иккинчи йили 1,32 г/см³, 2,70 г/см³, 48,27 фоизга, учинчи йили 1,35 г/см³, 2,71 г/см³, 48,65 фоизни ташкил этган. Тажрибанинг учинчи вариантыда яъни тупроқни КФГ-3,6 фрезали агрегати билан ишлаб ва каток билан текисланиб, зичланганда биринчи йили 1,31 г/см³, 2,67 г/см³, 48,33 фоизга, иккинчи йили 1,30 г/см³, 2,68 г/см³, 48,90 фоизга, учинчи йили 1,33 г/см³, 2,70 г/см³, 49,90 фоизга тенг бўлди. Хулоса қилиб айтганда, мульча сифатида уруғ қаторларига солинган гўнгнинг 2-2,5 т/га миқдори қўлланилганда тупроқнинг ҳажм ва солиштирма массаси камайиб, ғоваклик ортиб, тупроқ хоссаларига ижобий таъсир этгани кузатилган. Тажрибанинг тўртинчи вариантыда тупроқнинг 0-30 сантиметр қатламида биринчи йили тупроқнинг ҳажм массаси 1,32 г/см³, солиштирма

массаси 2,68 г/см³ ва ғоваклик даражаси 48,88 фоиз бўлган. Иккинчи йили эса бу кўрсаткичлар мос равишда 1,28 г/см³, 2,67 г/см³, 49,90 фоизни, учинчи йили 1,30 г/см³, 2,70 г/см³, 50,00 фоизни ташкил этган. Тажрибанинг бешинчи вариантида йили 1,32 г/см³, 2,68 г/см³, 48,96 фоиз, иккинчи йили 1,32 г/см³, 2,67 г/см³, 50,15 %, учинчи йили 1,35 г/см³, 2,66 г/см³, 51,30 фоизга тенг бўлганлиги аниқланган.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги тажриба бошланишидан олдин 101,4-118,5 м³/га соат бўлган бўлса, тажрибанинг иккинчи йили тажрибада қўлланилган мульча ҳам бошқа агротехника тадбирлар натижасида тупроқнинг сув ўтказувчанлигида маълум ижобий таъсирлар кузатилган.



2007 йил
 $HCP_{05}=0,56$
 $Sx=2,17$

2008 йил
 $HCP_{05}=0,82$
 $Sx=3,02$

2009 йил
 $HCP_{05}=0,74$
 $Sx=3,19$

4-расм.Мульчалашнинг пахта ҳосилиги таъсири,ц/га (2007-2009 йй).

Тажрибада қўлланилган чигитнинг экилиш қаторини гўнг билан ингичка полоса турида мульчалашни ҳар хил меъёрда қўлланилганда тупроқнинг агрокимёвий хоссаларига - тупроқдаги нитрат, ҳаракатчан фосфорга, гумусга ва калийнинг динамикасига таъсирини ўрганиш учун 0-40 сантиметр чуқурликда олиб борилган таҳлиллар натижалари кўрсатилган.

Тажриба майдонида мульча таъсирида маълум даражада тупроқдаги нитратнинг ўзгариши кузатилган, яъни тажрибанинг биринчи усулида 0-40 см. қатламда шўрни ювишгача 21,8 мг/кг, шўр ювишдан кейин 15,2 мг/кг,

шоналаш вақтида 22,0 мг/кг, гуллаш вақтида 20,1 мг/кг ва вегетация охирида 13,4 мг/кг гача ўзгариб бориши кузатилган.

Тажриба майдонида назорат вариантда ўртача уч йилда вегетация бошидан охиригача бўлган даврда тупроқдаги нитратнинг ўзгариши 8,4 мг/кг бўлган бўлса, мульчаланнинг иккинчи вариантда ушбу кўрсаткич 6 мг/кг, мульчаланнинг учинчи вариантыда 3,9 мг/кг, мульчаланнинг тўртинчи вариантыда 1,9 мг/кг ва мульчалаш гектарига 2,5 т/га меъёрида амалга оширилган бешинчи вариантыда 2,7 мг/кг га камайгани аниқланган (4 расм).

Чигит экилган қаторнинг устки қисмига бир гектарига 2 тонна меъёрда ярим чириган қорамол гўнги билан мульчаланган вариантда пахта ҳосили 26,2 ц/га бўлиб, назорат вариантга нисбатан 2,6 центнергача қолган вариантларга нисбатан эса 0,2-0,9 центнергача қўшимча ҳосил олинган.

Тажриба майдонида ўртача уч йилда вегетация бошидан охиригача тупроқдаги фосфор микдорининг ўзгариши мульчаланмаган назорат вариантыда -10,8 мг/кг га камайган бўлса, иккинчи вариантда бу кўрсаткич 9,2 мг/кг, учинчи вариантда 7,5 мг/кг, тўртинчи вариантда 6,5 мг/кг, бешинчи вариантда 4,6 мг/кг га камайганлиги кузатилган.

Олиб борилган илмий тажрибамаздан олинган маълумотлар асосида барча вариантларда алмашувчан калийнинг миқдори вегетация охирига қараб турли миқдорда камайиб борган.

Назорат вариантыда вегетация бошида тупроқдаги гумус миқдори 0,659 фоиз бўлган бўлса, вегетация охирига келиб ушбу кўрсаткич 0,657 фоизни ташкил этган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, қаторлаб экиладиган экинларнинг экилиш қаторини ярим чириган қорамол гўнги билан ингичка полоса турида ва 12-13 сантиметр кенгликда мульчаланни ҳар хил меъёрда қўлланилиши тупроқнинг асосий агрокимёвий кўрсаткичи гумусни яхши сақланиши мумкин эканлиги тасдиқланди. Тажрибада уч йил давомида ўрганилган вариантларда тупроқдаги чириндининг ўзгариш темпи тажрибанинг 1-йилдан 3-йил кузгача назорат усулда -9,1 фоизга пасайган бўлса, қолган вариантларда эса 1,9-5,35 фоизгача камайиши кузатилган.

Диссертацияда мульчаланни ғўза кўсақларининг пишиб етилишига таъсири бўйича чигит қаторини мульчаланни ҳар хил меъёрда қўлланганда ғўза кўсақларининг пишиб етилишига таъсири, тупроқнинг яхши қизиши, намнинг яхши сақланиши, мульча билан бирга озика моддаларни тупроққа кириши бўйича илмий тадқиқат натижалари келтирилган.

Тадқиқ қилинган экин турларидан сифатли ниҳол олиш, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хусусиятларини яхшилаш учун баҳорда чигит экишда чигит қаторини мульчалаш, минерал ўғитларнинг меъёри $N_{250}P_{-175}K_{125}$ кг/га ва уч йилда бир марта 40т/га ҳисобидан қорамол гўнгидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш билан бир қаторда тупроқ унумдорлигини сақлашнинг ишончли йўли эканлиги илмий тажрибалар ўз исботини топди.


Ғўзанинг пишиб етилишига мульчаланнинг таъсири ўрганилганда назорат вариантыда кузатувнинг биринчи санасида кузатув ҳисобидаги

ўсимликларнинг 19,4 фоизи пишиб етилган бўлса, кузатувнинг иккинчи санасида пишиб етилиши 47,8 фоизга етди. Кузатувнинг учинчи санасида ғўзанинг пишиб етилиши 65,3 фоиз ва охирги санасида 85,3 фоиз бўлди.

Чигит қаторини мульчалаш меъёрларининг ғўзанинг пишиб етилишига таъсирини ўрганишнинг иккинчи вариантыда бу кўрсаткичлар мос равишда 26,2; 54,3; 72,0; 90,5 фоиз бўлиб, назорат вариантга нисбатан 6,1 фоиз тезроқ пишиб етилган. Учинчи вариантыда эса 29,2; 58,1; 77,5; 97,4 фоиз бўлиб, назорат вариантга нисбатан 14,1 фоизгача тез пишиб етилди.

Тажриба майдонидаги тўртинчи вариантда 31,4; 64,3; 82,8; 101,4 фоиз бўлиб, назорат вариантга нисбатан 18,8 фоизгача тез пишиб етилди. Тажрибанинг бешинчи вариантыда 32,1; 65,5; 82,9; 101,6 фоиз бўлиб, назоратга нисбатан 18,9 фоиз юқори бўлганлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, мульча билан ёпилган ғўза қаторларида ниҳоллар текис униб чиқиб, қатқалоқ бўлишини олди олинди ва кўсақларнинг 6,1-19,9 фоизгача тез пишиб етилиши аниқланган.



2007 йил
 $HCP_{05}=1,18$
 $Sx=3,48$

2008 йил
 $HCP_{05}=0,56$
 $Sx=1,49$

2009 йил
 $HCP_{05}=1,13$
 $Sx=3,18$

5-расм. Мульчалаш меъёрларининг оқ жўхори ҳосилига таъсири, ц/га


Қорақалпоғистоннинг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ярим чириган қорамол гўнги билан оқ жўхори уруғи экилган қатор устки қисмини гектарига 2 тонна ҳисобидан қорамол гўнги билан қаторнинг устки қисми мульчаланганда бошқа вариантларга нисбатан пишиб етилиши 8,45-20,2 фоизгача тезлашиб, 2,1-6,2 ц/га гача кўшимча дон ҳосил олинди (5-расм).

Диссертациянинг «Алмашлаб экиш ва минерал ўғитларнинг тупроқ хоссалари ҳамда ўсимликларни ўсиши, ривожланиши ва

ҳосилдорлигига таъсири» деб номланган бешинчи бобида алмашлаб экиш тизимидаги ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тупроқнинг унумдорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

ғўза бир йиллик донли экинлардан - оқ жўхори ва маккажўхори билан алмашлаб экилганда ғўзанинг бош поясининг бўйи 5,1-15,3 сантиметргача баланд, ҳосил шохлари сони 4,4-4,8 донага кўп ва кўсақлар сони 1-1,5 донага кўп бўлганлиги аниқланган. Ҳосил шохлари сони бўйича ўғит берилмаган вариантга нисбатан 3,3-4,8 донага, минерал ўғитларни $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрда ва уч йилда бир марта 40 т/га ҳисобиданярим чириган қорамол гўнгидан фойдаланиб ва чигит экилган қаторини ярим чириган қорамол гўнги билан ингичка полоса қилиб 1-1,5 т/га ҳисобидан мульчаланган вариантларга нисбатан 0,5-2 донага кўп бўлганлиги кузатишган.

